

ЎЗБЕК, ТОЖИК, РУС ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДА УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ЗООНИМ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Абдulloев Шавкатжон Охонжонович,
Фаргона давлат университети,
чет тили факултети ўқитувчиси*

Уй ҳайвонлари гуруҳи орасида фаол зоокомпонентлардан бири бу **гов - die Kuh** – **корова** сигир ҳисобланади. Сигир зоокомпоненти билан боғлиқ бўлган рус фразеологик бирликларни кўп жиҳатдан ушбу ҳайвон турининг ҳар қандай деҳқон хўжалиги ҳаётидаги аҳамияти билан изоҳлаш мумкин. Гарчи ҳар бир халқда сигир ҳайвони инсонларнинг моддий маҳсулот жиҳатдан таъминлаши, шунингдек, одамларнинг унга нисбатан меҳрибон муносабатда эканлигини кўрсатса-да, таҳлилий тадқиқ бунинг аксини кўрсатади: ушбу зооним билан боғлиқ бўлган ассоциатив белгиларнинг аксарияти салбий маънога эга:

--ўзб.: *молдек турмоқ* (фаросатсиз);

согин сигир (доимий даромад келтирувчи восита);

--тож.: *гови шохзан*—сузонғич сигир;

гов барин истодан – молга ўхшаб турмоқ; аҳмоқ бўлмоқ.

Говфаҳм—тез англамайдиган, фаросатсиз

--рус.: *ревёт как корова* (сигир каби қичқиради) – ўзбек тилида: қўйга ўхшаб маърамоқ;

как гульная корова – тайинли касб-кор ва яшаш тарзи бўлмаган инсон (йўлсиз)

колюбка корова-дангаса, тартибсиз, бепарво одамнинг исми

бодливой корове бог рог не дает—Сузонғич сигирга худо шох бермайди

--нем.: *wie die Kuh vor dem neuen Tor da (stehen)* (Янги дарвоза олдида молдек турмоқ)—чорасиз қолмоқ; ҳеч нарсани тушунмаслик;

soviel davon verstehen wie die Kuh vom Sonntag – ҳеч нарсани тушунмаслик;

da müsste ja eine Kuh lachen – (ҳатто бунга) мол ҳам кулиши керак;

Сигирнинг хусусиятларида этник ўхшашликлар:

а) ўзбекларда: фаросатсизлик, лоқайдлик, калтафаҳмлиқ;

б) тожикларда: баднафслиқ, аҳмоқлик, семирмоқ;

в) русларда: яхши ғамхўрликка муҳтожлик; янги (нотаниш) нарсага аҳмоқлик билан қараш;



в) немисларда: қад-қоматнинг йўқлиги; яхши иштаға;

Умумий ўхшашлик: ўтакетган семизлик, беўхшовлик, аҳмоқлик.

Йиғилган маълумотлардан ўзбек, тожик, рус ва немис тилларидаги фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан ўзаро ўхшаш эканлигини кузатиш мумкин.

-русча: *как корова на льду* (муз устидаги сигирдек)-нокулай;
разъелась как дойная корова-созин сигирдек семирмоқ;

-тож.: *гов барин хўрдан;*
гови пир кунчора хоб мебинад;

Дар вақти хурок гов барин мехўри... (Айнӣ «Хикояхо»).

-ўзб: *сигирдек (молдек) емоқ, очкўзлик;*
оч товукнинг тушига дон кирибди;

Таъкидлаш лозимки, рус тилида сигир сўзи билан боғлиқ бўлган таянч компонентли фразеологик бирликларнинг коннотатив хусусиятлари немис, тожик ва ўзбек тилларга қараганда кўп қирралироқ ҳисобланади.

Ит (der Hund—собака—сар) зооними қиёсий фразеологик бирликларнинг шаклланишидаги фаол асосий компонентлардан бири ҳисобланади. Итнинг бир неча йилликлар давомида инсоннинг энг яқин ва энг содиқ дўстининг хатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳодиса сифатида кўрсатиш мумкин. Ўзбек, немис, тожик ва рус тилларидаги ит зоокомпонентли фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлилидан унинг “инсоннинг дўсти” эканлиги бугунги кун қарашида ҳам ўз аксини топади:

--русча: *верный как пёс, ходить по пятам как собака;*

--тожикча: *сар барин вафодор, сарги дар*—итдек ишончли;
сар соҳибаширо намеёбад—тўс-тўполон, тартибсизлик.

Ман сарги дари туям, авф кун, ки ман хучандиям. (Камоли Хучандӣ).

-немисча: *treu wie ein Hund sein* – итдек вафодо бўлмоқ;
aufpassen wie ein Schiefhund – атрофга қарамоқ, эҳтиёт бўлмоқ.

Бошқа қиёсларда эса, аксинча халқимизнинг замонавий онгида аллақачон ўчириб ташланган мифологик, ёвуз ва кўрқинчли мавжудотнинг ёқимсиз, кескин салбий қиёфасидаги уй ҳайвони тимсолини кўриш мумкинки, буни бу жонивор турига боғлиқ бўлган салбий маъноларнинг ҳам кўплиги билан изоҳлаш мумкин:

Русча: *убить как собаку; как собак нерезаных; собачья жизнь; собачий холод...*

тожикча: *сар барин мурдан* – итдек ўлмоқ; *сар барин зиндагӣ кардан*—итдек яшаш; *сар барин аккос задан* – итдек акилламоқ.

немисча: *auf dem Hund sein* – қийин аҳволда бўлмоқ, муҳтожликка чидамоқ;
bloder Hund! -ҳақорат: Ит! Итвача!

Frieren, wie ein junger Hund – музлаб қолмоқ, кучукдек совуқдан титрамоқ;



vor die Hunde gehen - йўқолмоқ, ҳалок бўлмоқ, бор-йўғидан ажралмоқ, қашшоқлашмоқ; *auf den Hund kommen* – итнинг ҳолатида чўкмоқ, ғарқ бўлмоқ;

Рус тилида бу фразеологик уяга яна учта зооним киради: : кобель, щенок, лайка. Фразеологик бирликларнинг компоратив ифодаланишига кобель сўзи таянч компонент сифатида нафақат салбий оттенка беради, балки очик-ойдин қўпол сўзлашув ҳолати ҳам ҳисобланади:

пристал, как кобель (*итдек нигоҳ ташлади*) – *шаҳвоний ҳаракат ҳақида*; брехать, как кобель (*итдек вовулламоқ*); хвостом махать (думни силкитмоқ) – ёлғон гапирмоқ, алдамоқ. Худди шундай тожик тилида қанчиқ (эркак ит) фоҳиша аёлларга нисбатан ишлатилади.

Немис тилида ёмон феълли эркаклар ҳақида шундай дейилади:

Er steckt voller Unarten wie der Hund voll Flohe – *Бургага тўлган итдек, у ёмон одамларга тўла.* (ахлоқий-руҳий жиҳатдан нопок инсон);

Es nimmt kein Hund ein Stuck Brot von ihm – ҳеч бир ит ундан бир парча нон ололмайд;

Er schüttet es ab wie der Hund den Regen – бефарқ, лоқайд инсонларга нисбатан ишлатилади.

Ўзбекча: “*Дунёни сув босса, ўрдакка не гам*”.

Немисча: *Mit allen Hunden gehetzt sein*

Ўзбекча: Сув ва олов кечган одам (алдаш қийин бўлган жуда тажрибали одам);

Alter Hund (*қари ит*)- ўзбек тилида “*қари тулки*” шаклида қўлланади. *Bekannt sein, wie ein bunter Hund.* Ўзбек тилида “*Отнинг қашқаси*” ибораси қўлланади.

Немис тилида итнинг асосий таркибий қисми бўлган бундай ибораларни одамга нисбатан салбий мотивация (яъни инсоннинг ички фазилятларини, унинг табиатини салбий тавсифловчи) кўрсатувчи иборалар шаклида кўриш мумкин:

Die Hundeschnauze – итбашара (маймунбашара)

Die Hundenase—итдек ҳид сезмоқ

Kalt, wie eine Hundeschnauze sein (итнинг тумшуғидек совуқ бўлмоқ)— совуқ, бефарқ, лоқайд бўлмоқ.

Das ist unter allem Hund- (бу ҳамма итнинг тагидан паст) - итнинг остида қолган ҳар қандай нарса ёқимсиз, жирканч ҳисобланади.

Шундай қилиб, таққосланган тилларда *ит—сағ—der Hund—собака* зоокомпонентли қиёсий фразеологик бирликлар турли хил коннотатив хусусиятларни ифодалайди: садоқат, сабр-тоқат, офат, ёлғизлик, айёрлик, беадаблик, ғазаб, эҳтиёткорлик, нопоклик, фоҳиша, чарчоқ, қийинчиликларни енгиш, тезлик, бефарқлик ва шу каби бошқа сифатлар.



Адабиётлар:

1. Крейдлин Г.Е. «Невербальная семиотика. Язык тела и естественный язык. –М., 2007.
2. Инчина Ю.А. Национально-культурная специфика фразеологизмов с зоонимным компонентом в триязычной ситуации (на материале русского, английского и немецкого языков). -М., 2002.
3. Огданова Ц.Ц. Зооморфная лексика как фрагмент русской языковой картины мира. -Иркутск, 2000.
4. Абдилов, Ш. О. (2023). ЎЗБЕК, РУС, ТОЖИК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДАГИ ЗООНИМ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ. *IQRO JURNALI*, 3(1), 156-159.
5. Абдилов, Ш. О. (2023). ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР—ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ ИНЪИКОСИ. *PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI*, 1(2), 157-159.
6. Абдилов, Ш. О. (2023). АЙРИМ УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛИ ХАЛҚЛАРДА МАЪНО ИФОДАЛАНИШИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(5), 122-128.
7. Oxojonovich, A. S. (2023). Peculiarities of Semantics of Phraseological Units with Zoonyms. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 17, 98-102.
8. Oxojonovich, A. S. (2022). GERMAN PHRASEOLOGICAL UNITS WITH A ZOONYM COMPONENT. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 239-244.
9. Умаржонова, Г. М., & Абдилов, Ш. О. (2022). НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HAND”-“ҚЎЛ” КОМПОНЕНТЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СТРУКТУР-ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 226-231.
10. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Symbol of the Paris of Inspiration. *International Journal of Formal Education*, 1(11), 17-20.
11. Oxojonovich, A. S. (2022). On the General Associative Aspects of Allegoric Symbols. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 424-428.
12. Oxojonovich, A. S., & Usmoilovich, A. Y. (2022). About the Problems of Language Teaching to Little Children. *International Journal of Culture and Modernity*, 14, 30-34.
13. Abdiloyev, S. O. (2022). Nemis tili darslarida frazeologizmlardan foydalanishning innovatsion usullari. *Архив научных исследований*, 2(1).
14. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Aristocrats Sympathetic to Heine. *International Journal of Formal Education*, 1(10), 40-43.

